Mas`uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi
«ASL-MOLIYA TAXLIL»
Auditorlik tashkiloti
LLC «ASL-MOLIYA TAXLIL» AO

Почта манзили: Тошкент шахар Осие -2 Тел: 0371 235 20 04. ХХТУТ:84400;
х/р:20208000404660703001. Тошкент Ипотека банк. МФО:00837. СТИР:206938396.

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Тошкент вилояти « Таьминотчи Пахта » Акциянерлик жамияти раҳбариятига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи:	Тошкент вилояти « Таьминотчи Пахта » АЖ
Юридик манзил:	*Тошкент вилояти, Эски- Тошкент кургони.*
Ҳисоб рақами:	*20210000100131950001. Агробанк Тошкент шахри*
МФО:	*00394*
ХХТУТ:	*71150*
СТИР:	*200453562*

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ASL-MOLIYA TAXLIL» аудиторлик ташкилоти аудитори А.Наркабилов

Аудиторлик ташкилоти:

Ташкилот номи:	*MChJ «ASL-MOLIYA TAXLIL» AT*
Юридик манзил:	*Тошкент шаҳри, Осие кўчаси-2 уй*
Давлат руйхатига киритилганлиги:	*Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил14 ноябр №365 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда № 1091сонли давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида ГУВОХНОМА сига эга.*
Лицензия:	*Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 23 декабрдаги АФ №00702 сонли (Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга рухсат берувчи) ЛИЦЕНЗИЯ сига эга*
Аудитор:	*А.Норкабулов/ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2015 йил 18 декабрда берилган №04901 сонли СЕРТИФИКАТ га эга.*
Асос:	*12.03.2018 йил № 01/06-18 сон шартнома*

Тошкент вилояти « Таьминотчи Пахта » АЖнинг Бухгалтерия Баланс 1-сонли шакл, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклидан иборат 01.01.2017 йилдан 01.01.2018 йилгача бўлган молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз Тошкент вилояти « Таьминотчи Пахта » АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча Тошкент вилояти « Таьминотчи Пахта » АЖнинг молиявий ҳисоботи молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Хулоса ёзилган сана: 25.04.2018 йил

МЧЖ « ASL-MOLIYA TAXLIL »
аудиторлик ташкилоти директори: **А.Нарзиев**